

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

85 Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1675-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 13 мартдаги 30, 288-В-сонли қарори (рўйхат рақами 1675, 2007 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 16-сон, 168-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 16 февраль,
10-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 16 февраль,
288-В-2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Марказий банки
Бошқарувининг 2015 йил 16 февралдаги
10, 288-В-2-сон қарорига
ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 5-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«МТПлар, муқобил МТПлар, фермер хўжаликлари, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўздонмахсулот» АК ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар ҳузурида фаолият юритаётган муқобил МТП масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектларининг хизматлари учун тўловларга;».

2. 10-банднинг бешинчи хатбошисидан «дебитор-кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а-шакл) ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 14-банднинг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) муқобил МТПлар, фермер хўжаликлари, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўздонмахсулот» АК ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар ҳузурида фаолият юритаётган муқобил МТП масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникаси мав-

7 (663)-сон

— 19 —

85, 87-моддалар

жуд бўлган бошқа хўжалик субъектлари томонидан кўрсатилган ва кўрсатилмаган техника хизматлари учун тўловларда, маблағлар уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади.».

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

Ш. ТЕШАЕВ

2015 йил 16 февраль

*Ўзбекистон Фермерлари
кенгаши раиси*

С. ТУРДИЕВ

2015 йил 16 февраль